

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
9 январь,
жума
№ 1
(1087)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни

ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ТИМСОЛИ БЎЛИШИ, ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШИ ЗАРУР

2016 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга кўра, 8 январь – Ўзбекистонда прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланган. Шундан бери бу сана юртимизда кенг нишонлаб келинмоқда.

Прокуратура органлари – мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида изчил фаолият юритмоқда.

Прокуратура органларининг бугунги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, янги таҳрирдаги Конституция таллабларининг тўлиқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш, барча соҳаларда қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Иқтисодий соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш, айниқса, инвестиция дастурлари ижросини сўзсиз таъминлаш, энергия ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш, яширин иқтисодиёт шаклланишининг турли усул ва каналларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш борасида тизимли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторларга қонун устуворлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Прокурорларнинг суд процессларидаги иштироки, коррупцияга қарши курашиш борасида кўрилатган чоралар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Соҳа ходимларининг машаққатли

ва масъулиятли фаолиятида эришилаётган шу каби ютуқлар сана муносабати билан “Туркистон” санъат саройида ташкил этилган тантанали тадбирда эътироф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Қутловда сўнгги йилларда прокуратура органлари фаолиятида амалга оширилган ислохотлар натижасида улар халққа яқин бўлиб, инсон қадрли, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини бевосита жойларда таъминлаётган тизимга айлانгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, ўтган йилда қарийб 512 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани, 54 мингга яқин мурожаат, жумладан, 29 мингга яқин тадбиркорнинг масалалари ижобий ҳал этилгани прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини яққол кўрсатиб турибди.

Маҳаллаларда жиноятчиликнинг

олдини олишга қаратилган тизимли профилактика ишлари асосида оғир тоифадаги маҳаллалар сони қарийб 1,5 баробар камайди. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш йўналишида минглаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниб, давлат ва жамият манфаатларига етказилган катта миқдордаги зарарлар ундирилди.

Президентимиз табригида рақамлаштириш, кибержиноятларга қарши курашиш, тергов жараёнларига замонавий технологияларни жорий этиш, очиклик ва шаффофликни янада кучайтириш долзарб вазифа экани алоҳида таъкидланди. Прокуратура ходимлари қонун устуворлиги ва адолат тимсоли бўлиши, халқ ишончини оқлаши зарурлиги қайд этилган.

Тадбирда Президент фармонига кўра, орден ва медаллар билан тақдирланган прокуратура ходимларига Президент Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Нодира Ҳакимова ушбу юксак мукофотларни топширди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Муносабат

Судларда очикликни кенг таъминлаш орқали адолат қарор топишига замин яратилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бахтиёр Исломов шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди:

– Давлатимиз раҳбари одил судлов жараёнини “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этишга киришилганини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан, суд соҳасига рақамли технологиялар кенг жорий этилаётгани фуқаролар ва тадбиркорларга жуда



катта қулайликлар яратди. Судга онлайн мурожаат, судда онлайн иштирок этиш, онлайн хабарнома олиш, онлайн маслаҳатдан баҳраманд бўлиш каби қулай усуллар одамларнинг маблаг, вақтини тежашга ёрдам бермоқда.

Энди терговни ҳам рақамлашти-

риш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кучайтирилиши Мурожаатномада қайд этилди. Бунда, жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишгача бўлган босқичларга сунъий интеллект технологиялари жорий этилади ва инсон омили қисқартирилади.

Юртимизда тергов судьялари иш бошлагани – халқаро тан олинган “Хабеас корпус” институтини қўллашнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. Тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатлари ҳам берилади. Одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва роли оширилади.

Энди жиноят процессига инглиз ҳуқуқидаги давлатларда ижобий натижа берган “халқ вакиллари ҳайъати” институтини босқичма-босқич жорий этилади. Бунда, ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда) ►

Шарҳ

ЯНГИ ПЛЕНУМ ҚАРОРИ:

қонунларни бир хилда тўғри қўллаш ва
ягона суд амалиётини шакллантиришга
хизмат қилади

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланган. Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган етти таъминловчи йўналишнинг айнан биринчиси – инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишга бағишланганида ҳам ўзига хос маъно бор. Ушбу қадриятлар миллий қонунчилик ва халқаро ҳужжатларда эътироф этилган.


Судларнинг энг муҳим вазифаларидан бири шахснинг ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишни таъминлашдир. Шу билан бирга, ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқлар



ва аноним алоқа тармоқларининг шиддатли ривожланиши бу соҳада янги муаммоларни келтириб чиқармоқда, оқибатда суд ишлари янада мураккаблашиб, соҳа вакиллари масъулияти тобора ошиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ юкини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини янада соддалаштириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.



ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ – ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Бу тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш орқали соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тенг шароитлар яратиш бугунги кунда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.



Қобилжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси
раиси ўринбосари

(Давоми 3-бетда) ►

Мамлакатимизда 2024 йил 1 январдан буён судларда иш юритиш жараёни билан боғлиқ бир қатор янги таомиллар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, ишларни тафтиш тартибиде кўриш институти жорий этилди.

Қонун кўмаги

Тадбиркорнинг судга мурожаати

тафтиш инстанциясида
қаноатлантирилди

Бу ўзгаришларнинг асосий мақсадларидан бири суд қарорларини қайта кўришда вилоят судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишдан иборат. Бунда, шунингдек, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан

фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, пировардида қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш орқали халқимизнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш кўзда тутилган.

(Давоми 3-бетда) ►



Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ўз латофати

«Кўйида йиғлар эдим...»

Бугун тонгда бир қўшиқ эшитдим. Кун бўйи бу қўшиқнинг ноласи қулоғимдан кетмади. Унинг сўзларини такрорлаб девона бўлиб юрдим.

Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморга,
Эмди йиғларлар бари беморлар мен зорга.

Инсон ўз юрагига чўккан

ғуссанинг, укубатнинг, зору андухнинг ифодасига минг йиллар чора қидириб охири мусиқани, сўнг мусиқа оҳангига ғазални топдимикин? Торлардан, бамисоли жон риштасига уланиб кетган торлардан тўқилган мунг мени ҳаёл қанотида ярим минг йил олисликка элтди.

(Давоми 4-бетда) ►

Мезон

Қарздор фаолияти ТИКЛАНДИ



Албатта, замонавий дунёда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти ривож ўта муҳим ўрин тутди.

Тадбиркорлик фаолияти эса, моҳиятан, таваккалчиликка асосланганлиги боис бизнес режа ва

мақсадларни кўзланган муддат ва миқдорда амалга ошириш шартнома тарафларининг ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажаришига, турли хил кўринишдаги форс-мажор ҳолатлар ва бошқа шу каби омилларга бевосита боғлиқдир.

(Давоми 3-бетда) ►

Муносабат

Судларда очиқликни кенг таъминлаш орқали адолат қарор топишига замин яратилмоқда

◀(Бошланиши 1-бетда)

Бир сўз билан айтганда, судларда очиқликни кенг таъминлаш орқали адолат қарор топишига мустаҳкам замин яратилмоқда.

Айтиб ўтиш керакки, суд-хуқуқ тизимидаги стратегик ислохотлар самарасини таъминлашда янги тахрирдаги Конституция норма ва принциплари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Асосий Қонуннинг суд ҳокимиятига бағишланган бобидаги 11 моддада одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг хуқуқ ва мажбуриятлари, суд қарорлари барча учун мажбурийлиги, судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда судлар фаолиятини молиялаштириш каби 30 дан зиёд муҳим конституциявий нормалар мустаҳкамланди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари, шу жумладан, “Хабеас корпус” ва “Миранда қоидаси” умумэтироф этилган институтларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш орқали сезиларли даражада кучайтирилди.

Бош Қомусимизда Конституция нормалари тўғридан-тўғри амал қилиши белгилангани суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда одил судлов тизимини демократлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Чунончи, бу борада Олий суд Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2023 йил 1 майдан бугунги кунга қадар судлар томонидан 426 мингдан ортиқ иш ва материалларда янги тахрирдаги Конституция нормалари тўғридан-тўғри қўлланилди.

Суд-хуқуқ тизимини тубдан такомиллаштириш ва соҳанинг ҳуқуқий асослари жадал ривожланишига қаратилган ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар натижасида 300 дан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси, шу жумладан, 200 га яқин қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Натижада суд тизимига оид 60 дан ортиқ қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Судларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди.

Суд ишларини юритишда янги институтлар киритилди, мавжудлари такомиллаштирилди. Жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилди. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда судгача мажлис, содда-лаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари жорий қилинди.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Хусусан, жиноят иши юритишда инсонларварлик тамойиллари асосида “Хабеас корпус” институтини янада кенг татбиқ этиш мақ-

садида тергов судьялари институти амалиётга жорий қилинди.

Маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш ҳамда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда оилавий низоларни кўришга ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш мақсадида “Оила судьялари” ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони суд-хуқуқ ислохотларининг изчил давоми бўлди.

Шу асосда судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнида жадаллаштирилмоқда. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда суд ишларини тўлиқ электрон кўринишга ўтказиш орқали тўлиқ қоғоз шаклидан воз кечиш, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланилган ҳолда фуқаролар учун интерактив хизматлар турларини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари яқинда имзолаган “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон билан муайян иш бўйича суд томонидан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини қайта кўриш, Конституциявий судга Олий суд томонидан мурожаат киритилиши ҳолатини судда тегишли иш бўйича иш юритувини тўхтатишга асос бўлиши каби қоидалар белгиланди. Бу Олий суд бўлган Конституциявий суд ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, эндиликда суд амалиётида учраётган ва жумбоқ бўлиб қолаётган мунозарали масалаларнинг ечимида бу амалиётдан фойдаланилади.

Буларнинг барчаси одил судловга эришишга, жамиятда адолат қарор топишига, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тикланишига хизмат қилади.

ЎЗА МУХБИРИ
НОРГУЛ АБДУРАИМОВА,
ЎЗИБ ОЛДИ.

◀(Бошланиши 1-бетда)

Ушбу муаммонинг долзарблиги нафақат ҳуқуқий, балки номоддий неъматларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий аҳамияти билан ҳам белгиланади. Бу тенденция содир бўлаётган воқеаларни илмий-амалий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш вазифасини олдимизга қўймоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, судлар томонидан шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш бўйича кўрилатган ишлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шу нуктаи назардан, яқинда Олий суд Пленумининг “**Судлар томонидан шахсий номулккий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақида**”ги қарори инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига доир қонунчиликни судлар томонидан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилгани муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалага бағишланган амалдаги Олий суд Пленум қарори 34 йил аввал — 1992 йил 19 декабрда қабул қилинган. Кейинги давр ислохотлари асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор қонун нормалари қабул қилинганлиги, айниқса, ижтимоий соҳада кенг кўламли ўзгаришлар рўй берганлиги боис, мазкур қарорни ҳам янги тахрирда қабул қилиш зарурияти юзага келди.

Янги Пленум қарорида биринчи марта шахсий номулккий ҳуқуқлар объектларининг кенгайтирилган тушунчаси шакллантирилгани алоҳида аҳамиятга эга. Бу тушунча нафақат шахсининг шаъни, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини, балки шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сир, исмга бўлган ҳуқуқ, тасвирга бўлган ҳуқуқ ҳамда инсонга тўғилганидан ёки қонунга кўра, тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар каби замонавий тоифаларни ҳам ўз ичига олган.

Хусусан, фуқаронинг шахсий номулккий ҳуқуқлари бузилиши мулккий оқибатларга олиб келишидан қатъи назар, суд орқали ҳимоя қилиниши лозим. Шу негизда Пленум қарорининг 2-бандида бундай шахсий номулккий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар тушунчаси ёритилиб, кейинги бандларида ҳар битта асос бўйича алоҳида тушунтиришлар берилмоқда.

Пленум қарорининг 4-бандида суд ҳимоясининг шакли ва усули бўйича тушунтиришлар берилмоқда. Суд ҳимоясининг шакли ва усули — бузилган ҳуқуқни тан олиш; бузилишдан олдинги ҳолатни тиклаш; кейинги ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни, жумладан, шахсининг розилигисиз ахборот, тасвирлар, шахсий маълумотлардан фойдаланишни, уларни тарқатишни тақиқлаш; ҳуқуқни бузувчи ахборотларни ўчириш, йўқ қилиш ёки блоклаш, моддий ва маънавий зарар учун тоовон ундириш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа чоралардан иборат.

Қарорнинг 8-бандида судларнинг эътибори:

◀(Бошланиши 1-бетда)

Натижада низоларни тафтиш босқичида кўриш жараёнида қуйи инстанция судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлиги иш материаллари бўйича текширилиб, тарафлар суддан рози бўлиб чиқиб кетишларига эришилмоқда. Андижон вилояти маъмурий судининг тафтиш инстанциясида кўриб чиқилган қуйидаги иш ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Андижон шаҳрида фаолият кўрсатувчи “W.F.” (фирма номи қисқартирилган) масъулияти чекланган жамияти судга ариза билан мурожаат қилиб, вилоят солиқ бошқармасининг 2022 йил 30 ноябрдаги, шунингдек, Солиқ қўмитасининг 2023 йил 26 декабрдаги тегишли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган. Андижон туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 27 июндаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантиришдан рад қилинади.

Вилоят маъмурий судининг кассация инстанцияси ҳам 2024 йил 11 сентябрдаги тегишли қарори билан қуйи суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиради. Масъулияти чекланган жамият вакили бу гал энди тафтиш

■■■ Шаҳх

ЯНГИ ПЛЕНУМ ҚАРОРИ: қонунларни бир хилда тўғри қўллаш ва ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади



• ҳаёт ва соғлиққа бўлган ҳуқуқ Конституция, фуқаролик қонунчилиги, жиноий ва маъмурий қонунчилик, шунингдек, халқаро шартномалар билан ҳимояланадиган асосий ва мутлақ шахсий номулккий ҳуқуқлар сирасига кириши;

• бу ҳуқуқнинг бузилиши зўравонлик, ўз жонига қасд қилишга ундаш, тан жароҳати етказиш каби фоол ғайриқонуний ҳаракатлар шаклида ҳам, соғлиққа зарар етказилишига олиб келган ғайриқонуний ҳаракатсизлик, масалан, тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш шаклида ҳам намоён бўлиши мумкинлиги;

• мазкур ҳуқуқни ҳимоя қилиш моддий ва маънавий зарар учун жавобгарлик юклаш, аралашувнинг қонунга хилофлигини тан олиш, шунингдек, бузилган ҳуқуқни тиклашга қаратилган бошқа чораларни қўллаш орқали таъминланиши;

• бунда ҳаракатлар билан етказилган салбий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш бор-йўқлиги аниқланиши шартлигига қаратилган.

Шунингдек, хусусий ва оилавий сирга бўлган ҳуқуқ шахсий муносабатлар ҳақидаги махфий маълумотларни, жумладан, никоҳ, фарзандлар, фарзандликка олиш, тиббий ва фуқаро ҳаётининг шахсий соҳасини ташкил этувчи бошқа ҳолатлар тўғрисидаги ахборотларни ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Бундай аралашувга фақат қонун асосида ёки шахсининг ихтиёрий равишда берган розилиги билангина йўл қўйилади.

Шу муносабат билан қарорнинг 10-бандида:

биринчидан, шахсининг розилигисиз ёки бундай розилик берилган мақсадлардан ташқари кўрсатилган маълумотларни ноқонуний йиғиш, тарқатиш, эълон қилиш ёки улардан фойдаланиш — ҳуқуқни бузиш деб тан

олиниши;

иккинчидан, болалар ва оилавий муносабатлар ҳақидаги маълумотларнинг ошкор этилиши — шаън, қадр-қиммат, обрў ва бошқа шахсий ҳуқуқларга жиддий зарар етказиш деб баҳоланиши;

учинчидан, бундай маълумотлар алоҳида ҳимоя қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Пленум қарорида ахборот-коммуникация маконидаги қоидабузарликлар, хусусан, шахсий номулккий ҳуқуқларнинг ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, платформалар ва блоглар орқали маълумотларни тарқатиш йўли билан бузилишига оид суд ҳимоясининг энг муҳим жиҳатлари қамраб олинган.

Қарорнинг 12-банди алоҳида эътиборга моликдир. Унда шахс қадр-қиммати ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги билан узвий боғлиқ бўлган энг муҳим шахсий номулккий ҳуқуқ сифатида тасвирга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга замонавий ёндашув акс эттирилган.

Ушбу бандда қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардан ташқари, инсон тасвиридан — у фотосурат, видео, рақамли модель ёки бошқа визуал кўриниш бўлишидан қатъи назар — фойдаланиш фақат ўша шахсининг розилиги билан амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланади. Айни пайтда суд ҳимояси шакллари изчил тарзда тушунтирилган бўлиб, улар ҳаракатларни қонунга хилоф деб топиш, тасвирларни ўчириш ёки блоклаш, улардан кейинчалик фойдаланишни ман этиш, шунингдек, моддий ва маънавий зарарни қоплашни ўз ичига олади.

Бундан ташқари қарорнинг 23, 24 ва 25-бандларида Фуқаролик кодексининг 163-моддасига асосан, шахсий номулккий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга даъво мuddати татбиқ

қилинмаслиги, ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар судларда кўрилиши ва судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Илгари мавжуд бўлган процессуал ёндашувлар ҳар доим ҳам фуқароларга ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш имконини бермаган ва бу сир эмас. Айниқса, обрўсизлантирувчи маълумотлар аноним тарзда ёки интернет тармоқлари орқали тарқатилганда, аниқ қоидабузарни аниқлаш имконсиз бўлган ҳолларда, шунингдек, маълумот тарқатувчи шахс вафот этган ҳолларда бу масала янада мураккаблашган.

Пленум қарорида ахборотни тарқатган шахсни аниқлаш имкони бўлмаса, яъни ўша ахборот аноним хатлар шаклида тарқатилганда, Интернет тармоғида ёки бошқа ахборот-коммуникация тизимларида жойлаштирилганда, агар тарқатиш манбасини аниқлаш имконсиз бўлса, шунингдек, ахборот тарқатувчи шахс вафот этган ҳолларда ҳуқуқни бузилган шахсининг тарқатилган ахборот ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар эканлиги фактини аниқлаш ҳақидаги аризасига асосан, алоҳида иш юритиш тартибида ҳам кўриб чиқилишига йўл қўйилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ушбу тоифадаги ишларни кўришда ҳам Фуқаролик процессуал кодексининг 106-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чораларига йўл қўйилади. Шу муносабат билан қарорнинг 34-бандида:

• низоли маълумотларни ҳар қандай шаклда, шу жумладан, Интернет тармоғи ва бошқа ахборот тармоқлари орқали тарқатишни вақтинча тақиқлаш;

• даъвогарнинг ҳуқуқларини бузувчи маълумотларни ўз ичига олган веб-саҳифа, аккаунт ёки бошқа рақамли ресурсга киришни тўсиб қўйиш;

• шахсий маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ёки тарқатишни тўхтатиб туриш ёки бошқача тарзда кеплаш каби ҳолатлар даъвони таъминлаш чораларига кириши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кундаги долзарб масалага бағишланган ушбу Пленум қарорининг қабул қилиниши судлар фаолияти учун ўта муҳим. Унда берилган тушунтиришлар нафақат судлар, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга ва шаффофлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Гулнора МИРЗАЕВА,
Олий суд судьяси

Қонун қўмағи

Тадбиркорнинг

текшируви натижаси бўйича қўшимча солиқлар ҳисобланганлиги;

• 2022 йил 1 январдан 30 сентябрь ойлари учун қўшилган қиймат солиғи бўйича 32 миллион 240 минг 118 сўм, 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 август ойлари учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича 1 миллиард 849 миллион 993 минг 440 сўм ҳисобланганлиги маълум қилинган.

Жами тафовут суммаси 1 миллиард 882 миллион 233 минг 558 сўм эканлиги кўрсатилган. Талабнома олинган кундан эътиборан 5 кунлик мuddат давомида аниқланган тафовутларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда асослантириш ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш лозимлиги маълум қилинган.

Шундан сўнг солиқ бошқармаси томонидан 2022 йил 30 ноябрда камерал солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарлик матери-алларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, ушбу масъулияти

ноябрга қадар узайтирилган.

Қолаверса, масъулияти чекланган жамиятда сайёр солиқ текшируви ўтказилиши ҳам белгиланган. Сайёр солиқ текшируви далолатномасида жамиятга қарашли омбор мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Бошқарманинг 2022 йил 15 ноябрдаги буйруғи билан камерал солиқ текшируви мuddати 16 ноябрга қадар узайтирилган.

Солиқ бошқармаси томонидан ўша йилнинг 15 ноябрь санасида тадбиркорлик субъектига йўлланган хабарномада солиққа оид ҳуқуқбузарлик далолатномаси лойиҳаси билан танишиш ҳамда имзолаш учун эртасига — 16 ноябрь кунини солиқ органига келиши сўралган. Айни санада камерал солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш юзасидан далолатнома расмийлаштирилган бўлса-да, бироқ масъулияти чекланган жамият раҳбари томонидан имзоланмаган.

Қолаверса, 17 ноябрь кунини масъулияти чекланган жамиятга солиқ ҳисоботлари-га тузатиш киритиш ҳақида бошқарманинг талабномаси юборилган. Талабномада:

• камерал солиқ текширувида жамият томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларида тафовутлар, яъни хатоликлар аниқланиб, камерал солиқ

чекланган жамиятга нисбатан 1 миллиард 882 миллион 233 минг 558 сўм миқдорида солиқ ва тўловлар қўшимча ҳисобланган.

Тадбиркор Андижон вилояти солиқ бошқармасининг бу қароридан норози бўлиб, Солиқ қўмитасига мурожаат қилади. Аммо қўмита томонидан унинг мурожаати қаноатлантирилмайди.

Кейинчалик солиқ органи қарорларидан норози бўлиб судга киритилган ариза, юқорида қайд этилганидек, биринчи ва кассацияси инстанцияларида қаноатлантиришдан рад қилинади. Низо бўйича тафтиш инстанцияси-га қадар бўлган жараёнининг асосий тафсилотлари шу.

Шу тариқа Андижон вилояти маъмурий судининг тафтиш инстанцияси тадбиркорнинг шикоятини асосида зикр этилган масалани атрофлича кўриб чиқди. Бу жараёнда тўпланган ҳар бир ҳужжатни синчиқлаб ўрганди ва яқунда судлов ҳайъати бир қатор асосларга қўра, қуйи судларнинг ҳулосалари билан келишмаслик ҳусусидаги тўхташга келди.



◄(Бошланиши 1-бетда)

Айни мақсадлар доира-сида **“Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркор-лик субъектларини қў-лаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъмин-лашга ҳамда қўшилган қий-мати юқори бўлган то-варлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қо-нун ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Сенатининг 12-яйли мажлисида ушбу қонун сена-торлар томонидан маъқул-ланди.

Айтиш керакки, янги қонун молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тад-биркорлик субъектларини тугатиш тартибини содда-лаштириш, ишлаб чиқариш-ни юқори технологиялар асо-сида ривожлантириш, яйлов хўжаликларининг молиявий аҳволини яхшилаш ҳамда енгил саноат ва хизматлар соҳаси, ипотека бозори,

шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқа-рувчилар ва креатив парк резидентларини қўллаб-қув-ватлашга қаратилган солиқ имтиёзлари тақдим этили-шини назарда тутди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТлар) 283,8 минг, фаолият-ини вақтинча тўхтатганлар эса, 286,6 мингни ташкил этмоқда. Шундан 130,4 мин-ги ёки 45,5 фоизи фаолият кўрсатмаганига бир йилдан ошган.

Кўриниб турибдики, фао-лиятини вақтинча тўхтатиб туриш муддати белгиланма-ганлиги сабабли уларнинг со-ни фаолият кўрсатиб келаёт-ган ЯТТлардан ортиб кетган.

Айни чоғда, фаолият-ини тўхтатганига бир йилдан ошган аксарият ЯТТларнинг ўз фаолиятини тиклаш ис-таги йўқ. Шу сабабли янги қонун билан Фуқаролик ко-декси ҳамда **“Тадбиркорлик**

фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга молия-хўжалик фа-олиятини амалга оширмаёт-ган тадбиркорлик субъект-ларини тугатиш тартибини соддалаштиришга тааллуқли қўшимча ва ўзгартишлар ки-ритилмоқда.

Бунда ҳаракатсиз режимда бўлган фаолият кўрсатмаёт-ган тадбиркорларни рўйхат-дан ўтказувчи органнинг қа-рорига кўра, тугатиш муддати уч йилдан – бир йилга ўзгар-тирилмоқда. Мазкур нормани ЯТТларга нисбатан ҳам қў-лаш назарда тутилмоқда.

Солиқ кодексига юқори тех-нологиялар асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ушбу технология-лар асосида ишлаб чиқа-рилган маҳсулотларни реал-изация қилишдан олинган фойда солиғи учун “0” ставка белгиланмоқда. Юқори тех-нологияли ишлаб чиқаришни жорий этган солиқ тўловчи-лар рўйхати Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг

қарори билан тасдиқланади.

Шунингдек, рўйхати Прези-дент қарори билан тасдиқла-надиган юқори технология-ли ишлаб чиқаришни жорий этган солиқ тўловчилар ўз объектларининг юқори техно-логияли ишлаб чиқариш ус-куналари эгаллаган қисми бўйича – ушбу ускуналар фойдаланишга қабул қилин-ган санадан эътиборан уч йил муддатга мол-мулк солиғидан озод қилинади.

Қишлоқ хўжалиги вазири-ли хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлан-

нун билан вақтинчалик солиқ имтиёзлари ҳам кўзда тутил-моқда. Жумладан, хизматлар соҳаси тадбиркорлик субъ-ектларининг ижтимоий солиқ бўйича солиқ юкини камай-тириш мақсадида ижтимоий солиқ ставкасини камайтир-ган ҳолда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича имти-ёз 2028 йил 1 январга қадар узайтирилмоқда. Ушбу имти-ёз ўттиз ёшдан ошмаган ва ҳар ойда уларга ўртача иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки ярим бараваридан кам

бекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхат бўйи-ча ташаббускорлар янги боғларни барпо этишда хо-рижий давлатлардан (қўшни давлатлардан ташқари) пай-вандтагли мевали қўчатлар-ни ва пайвандтаглари, пай-вандустларини ва техника воситаларини олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан 2028 йил 1 январга қадар озод этилиши белгилан-моқда.

Ўзбекистон Республи-касининг резидентлари ва

топширилмаса, имтиёздан фойдаланилган давр учун ер солиғи 2 баравар миқдорда ундирилиши белгиланмоқда. Янги ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги ва доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш коопе-ративлари учун ижтимоий со-лиқ ҳамда уларга ишга қа-бул қилинган ходимлар учун жисмоний шахслардан оли-надиган даромад солиғи 2028 йил 1 январга қадар 1 фоиз миқдордаги солиқ став-каси бўйича тўланиши назар-да тутилмоқда.

Креатив парkning рези-дентларига 2031 йил 1 ян-варга қадар ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзи-даги даромадлари бўйича жисмоний шахслардан оли-надиган даромад солиғини ҳамда ижтимоий солиқни белгиланган солиқ ставка-ларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ став-калари бўйича тўлаши, товар ва хизматларни реализация қилишдан олинган даромади миқдоридан қатъи назар, ай-ланмадан олиннадиган солиқ-ни тўловчилар ҳисобланиши белгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонун тадбиркор-лик субъектларини қўл-лаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ҳамда юқори қўшилган қий-матли товарлар ишлаб чиқа-рилишини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъ-ектларига қулай шарт-ша-роитларни яратишга имкон берадиган солиқ мажбурият-ларини бажариш бўйича тегишли ҳуқуқий муноса-батларни тартибга солади, фаолият кўрсатмаётган тад-биркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартибини соддалаштиради.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Хатто тадбиркорлик субъекти фаоли-ти давомида турли хил қийинчиликларга дуч келиши, баъзан тўловга қобилиятсиз-лик ҳолатига ҳам тушиб қолиши мумкин.

Албатта, бундай вазиятда амалдаги қонунларимизда тадбиркорлик субъекти-ни қўллаб-қувватлаш, унинг тўлов қоби-лиятини тиклашга қаратилган бир қатор қоидалар белгиланган. Жумладан, амал-даги **“Тўловга қобилиятсизлик тўғри-сида”**ги қонун айнан шундай ҳолатга ту-шиб қолган корхоналарга ўз фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўлов қобилиятини тиклашга имкон бериш орқали иқтисоди-ётга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, кредитор — Навоий вилоят со-лиқ бошқармаси иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қарздор

■■■■ **Мезон**

Қарздор фаолияти тикланди

«Qizilqum agro klaster» хусусий корхона-сини соддалаштирилган таомил бўйича тўловга қобилиятсиз деб топишни сўради.

Зарафшон туманлараро иқтисодий су-дининг 2024 йил 22 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан қарздор корхона тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Айтиш керакки, тугатиш ишлари жа-раёнида қарздор корхонанинг молия-хў-жалик фаолияти суд томонидан доимий равишда таҳлил қилиб борилиб, ўз фа-олиятини қайта тиклаш учун зарур чо-ра-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида қарздор бюджет

ва бюджетдан ташқари жамғармалар-дан 42.716.829 сўм, давлат божидан 1.125.000 сўм, почта харажатидан 37.500 сўм кредиторлик қарзини тўлаб, тад-биркорлик фаолиятини давом эттириш истагини билдирди. Яъни қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги сабабли суд томонидан тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш юритишни тамомлаш ва қарздор фаолиятини тиклаш лозим деб топилган.

Бу, ўз навбатида, “Тўловга қобилият-сизлик тўғрисида”ги қонун талабига қатъ-ий роя этилганининг амалдаги самара-сидир.

Зеро, ушбу қонуннинг қабул қилини-ши иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга ту-шиб қолган тадбиркорлик субъектлари-ни тугатиб юбориш эмас, балки уларни молиявий соғломлаштириш, шу билан бирга, соҳада вужудга келаётган янги му-носабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим ўрин тутмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоиз-ки, ушбу қонун тўловга қобилиятсиз-лик ҳолатидаги корхоналарга нисба-тан соғломлаштириш таомилларини қўллаш орқали уларнинг фаолиятини тиклаш ва мамлакатимизнинг халиқаро рейтингларда тўловга қобилиятсизлик индикаторидаги ўрнини ошириш имко-нини бермоқда.

Шерзод ҒОҒУРОВ,
Зарафшон туманлараро иқтисодий суди раиси



■■■■ **Жиноятга жазо муқаррар**

Ҳужжатли ТАФТИШ

давомли жиноятни фош этди

Ҳаётнинг шундай қонуниятлари бор: одам атрофга очик кўз билан қараб, яхшиликлардан ибрат олиб, ёмонлик-лардан хулоса чиқариб яшаса, ҳеч кимдан кам бўлмай-ди. Аслида ўзи, оиласи, фарзандларининг тақдирини ўй-лаган, бундан кейинги ҳаётни тинч, осойишта кечишини истаган одам ҳеч қачон жиноий қилмишга қўл урмай-ди, ишига, бажараётган вазифасига виждонан ёнда-шиб, ҳалол муносабатда бўлади.

Содир этган жиноий қилми-ши очик суд мажлисида муҳо-кама қилинган Фарида Худой-назарова (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳам иш фао-лиятини давомида тўғрилқидан тоямагани, мансаб ваколати-ни суистеъмол қилиб, охири юзшувитлик ва пушаймонлик билан яқун топадиган жиноят-га қўл урмаганида пешонаси-га судланганлик тамғаси бо-силмасди.

Ф.Худойназарова 2019 йил 22 майдан жиноят иши судда қўрилғунига қадар Пайариқ тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли давлат мактабгача таълим ташкилотларидан бирида директори лавозимида фао-лият юритиб келган. Унинг бажарадиган вазифаси “Мак-табгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонун, Прези-дентимизнинг фармон, қарор ва фармоишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фар-моишлари, таълимга оид бошқа амалдаги ҳуқуқий-меъ-ёрий ҳужжатларда белгилан-ган тегишли топшириқлар ижросини тўлиқ таъминлаш-

(Давоми 4-бетда) ►

судга муурожаати

тафтиш инстанциясида қаноатлантирилди

Тафтиш инстанцияси томо-нидан тайинланган суд-бух-галтерия экспертизаси ху-лосасига кўра, масъулияти чекланган жамиятнинг 2021-2022 йиллардаги фаолияти юзасидан камерал солиқ тек-шируви солиқ қонунчилиги ва амалдаги қонунларга асосан солиқ органига жамият томо-нидан тақдим этилган баланс, молиявий, солиқ ҳисоботлари, банк маълумотлари, электрон ҳисобварақ фактураларининг ўзаро таҳлили асосида ўтка-зилган.

Масъулияти чекланган жа-миятнинг устав фонднинг камайтирилиши масаласини ўрганишда, жамият ташкил топган 2018 йил 22 майдан, текшириш ўз ичига олган давригача барча ташкилий ҳужжатлар, устав фонди бел-гиланиши, иштирокчилари, уларнинг ҳақиқатда қўшган улушлари тўлиқ ўрганилма-ган, деб ҳисоблаш мумкин.

Солиқ органи камерал тек-шириш далолатномасини ту-

зиш ва қарор қабул қилишда жамиятнинг баланс маълу-мотларида ўзгаришлар асоси ҳисобланган бошланғич ҳуж-жатлар ўрганилмасдан, солиқ ва тўловлар қўшимча ҳисо-бланиши юзасидан барвақт тўхтамага келинган.

Маълумки, **“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”**ги қонуннинг 8-моддасига асосан, жамият иштирокчилари жамиятнинг устав фондидидаги ё устав ка-питалидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу қо-нунда ва жамиятнинг уста-вида назарда тутилган тар-тибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчиси-га сотиш ёки ўзга тарзда улар-нинг фойдасига воз кечиш ва жамият бошқа иштирокчи-ларининг розилигидан қатъи назар, ушбу қонунда ва жамия-ятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақлидир.

Солиқ кодексининг 304-мод-дасига асосан иштирокчилар таркибидан чиқиш (чиқиб ке-тиш) чоғида устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса доирасида олинган ёки иштирокчининг улуши миқдо-рини камайтириш, шунингдек, тугатилаётган юридик шахс-нинг мол-мулкни иштирок-чилар ўртасида тақсимлаш чоғида олинган маблағлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди. Бироқ солиқ орга-нининг низолаштилаётган да-лолатномасида ва қарорида жамиятга нисбатан жисмоний шахслардан олиннадиган да-ромад солиғи 1 миллиард 882 миллион 993 минг 440 сўм ҳисобланганлиги тўғрисида ҳуқуқий асос кўрсатилмаган.

Солиқ кодексининг 165-мод-даси тўққизинчи қисмида **“Солиқ органи текширув далолатномаси кўриб чиқи-ладиган сана, вақт ва жойи тўғрисида солиқ тўловчини кўриб чиқиш бошланадиган кунга қадар камида икки иш куни олдин хабардор қила-ди”** деб белгиланган. Шундай бўлса-да, солиқ бошқармаси томонидан 2022 йил 16 но-ябрь куни жамият раҳбари-нинг солиқ органига келиши ва далолатнома лойиҳаси би-лан танишиши, уни имзолashi тўғрисидаги хабарнома бир кун олдин юборилган.

Бошқача айтганда, Анди-жон вилоят солиқ бошқармаси Солиқ кодексининг 165-мод-дасида белгилан қўйилган талабларига роя қилмаган. Оқибатда солиқ бошқармаси-нинг далолатномаси жамият раҳбарининг иштироксиз кўриб чиқилган ва далолатно-ма жамият раҳбари ёки унинг вакили томонидан имзолан-маган.

Эътибор бериш зарур бўл-ган яна бир жиҳат: солиқ бошқармаси далолатнома-сининг 9-бандидаги **“Текши-рилган солиқлар номи ва камраб олинган даври”** гра-фасида масъулияти чеклан-ган жамиятда камраб олинган солиқ даври нотўғри кўрсати-либ, солиқ бошқармасининг 2022 йил 6 октябрдаги тегиш-ли буйруғи билан ўзгартириш киритилган солиқ даври дало-латномада ёзилмаган.

Бундан ташқари солиқ тек-шируви материаллари 2022 йил 30 ноябрда кўриб чиқи-либ, шу сана билан баённома расмийлаштирилган. Аммо баённомадан кўринишича, ўша куни масъулияти чеклан-ган жамият вакиллари солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда қатнашмаган.

Шунингдек, вилоят солиқ бошқармасининг 2022 йил 30 ноябрдаги қарорида масъу-лияти чекланган жамиятнинг

солиқ органига юборган жа-воблари ва жамиятнинг фикри акс эттирилмаган. Бу билан Солиқ кодексининг 166-мод-даси талаблари бузилган. Солиқ кодексининг 157-моддаси учинчи қисмига кўра, солиқ органларининг мансабдор шахслари томони-дан ушбу Кодексад белгилан-ган талабларга роя этмаслик юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ орга-нининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Тафтиш инстанцияси суди ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, қуйи судларнинг қарор-ларини бекор қилди. Андижон вилояти солиқ бошқармаси ва Солиқ қўмитасининг тегиш-ли қарорларини ҳам ҳақиқий эмас, деб топди.

Мухтасар айтганда, фуқа-ролар ва тадбиркорлик субъ-ектларининг одил судловга бўлган ишончини қозониш ниҳоятда муҳим. Чунки тад-биркорлар ўз ҳуқуқлари ва қо-нуний манфаатлари қамолат-ли ҳимоя қилинишига ишонган жамиятда иқтисодиёт барқа-рор ривожланади. Бундай барқарорлик эса, халқнинг турмуш даражаси юксалиши-га ҳамда юрт тараққиётига хизмат қилади.

Ойбек БАРАКАБАЕВ,
Андижон вилояти маъмурий суди раиси

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Мен бундан икки ой муқаддам тегишли идорага бир масала юзасидан ёзма тарзда мурожаат қилгандим. Аммо орадан шунча вақт ўтса-да, менга жавоб берилмади. Айтинг-чи, амалдаги қонунда мурожаатларни қўриб чиқиш учун қандай муддат белгиланган?

Б.ЖАМОЛОВ,
Қашқадарё вилояти



— Маълумки, Конституциямизнинг 40-моддасига мувофиқ, ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқи-лиши шарт.

Ушбу Конституциявий қоида асосида ва уни ижро этиш юзасидан мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш ва ҳал этиш қонун билан қатъий тартибга солинган. Жумладан, амалдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига кўра, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда қўриб чиқилади.

— Айтинг-чи, алимент тўлаётган шахс бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, тўлаётган алимент миқдорини камайтириши ёки уни тўлашдан озод бўлиши мумкинми?

З.РАҲИМОВ,
Тошкент вилояти

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш кераки, Оила кодексининг 105-моддасига мувофиқ, алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланган қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайти-

Ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар қўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни қўриб чиқиш муддатлари тегиш-ли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 29-моддасига асосан, аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ва қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар қўриб чиқилмайди.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли ҳулоса тузилади, у давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади. Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Саволларга Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати судьяси Муқаддас ҒУЛОМОВА жавоб берди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ҳиротнинг табаррук манзилларига, улуг устоз қадами теккан кўчаларга, боғларга олиб учди, Навоий қўлида бўзлаб сайраган уд садосини эшитдим. «Кўйида йиғлар эдим...» Ошиқ ўз севгилиси кўчасида ҳар беморга, яъни ишқ дардига гирифтор бўлганларга ўз ҳасратини айтиб, зор йиғлар эди. Бу ҳасрат шунчалик қайғули, шунчалик жон ўртар эканки, аҳли дард — беморлар ўз дардларини унутиб, ошиқи зорга қараб йиғлай бошладилар.

Чуқур ғамгин ҳиссиёт ифодаси баробарида бу байт ажиб санъат намунаси сифатида кишини ҳайратга солади. Ҳолатга мос байт ичида сўзларнинг, сўз қўшимчаларининг маъно товланишлари фақат Навоийга хос баркамол санъаткорлик билан намоён этилади. «Зор» сўзи бир ўринда сифат (мен зор), бошқа ўринда ҳаракат белгиси (зор йиғламоқ)дир.

«Бемор» сўзи бошда «ишқ аҳли», «дард аҳли», кейинда «хаста», «заиф», «касал» маъноларига яқин келади. Ҳатто «ға» қўшимчаси икки ўринда икки хил маъно товланишга эга. Байтни ҳаёлимда такрорлайман:

Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморга,

Энди йиғларлар бари беморлар мен зорга.

Такрорлаганим сари бамисоли олмосда нур жилолангандек янги-янги қирраларни кашф қиламан.

Ҳазал давом этади:

Ҳажр бепоеън йўлин қатъ айламак душвор эрур,
Заъфдин менким юрармен қўл таяб деворга.

Агар мен заифликдан деворга қўл таяб, қўл билан суяниб юрсам, ажабланманг. Ахир, мен ҳадду поёни йўқ ҳижрон йўлини ўтдим. Бу иш осон эмас. Шундай фикр байтда айтилган. Унда айтилмаган, лекин юқоридаги байтнинг мантикий давоми сифатида келиб чиқадиган фикр ботинда ётибди: мен-ку дардимни ҳар беморга йиғлар эдим. Энди беморлар менга йиғлайдиган бўлдилар, чуқки мен бепоеън ҳажр йўлини ўтиб заифландим, ўзим бемор бўлдим.



«Ҳажр бепоеън йўли». Йўқ, бу оддий ҳижрон эмас, севиқли ёрдан жудолик-кина эмас. Бу жуда буюк, илоҳий даражада буюк ниятнинг ҳижрони. Шунинг учун ҳам унинг йўли бепоеън, инсоният тарихи даражасида бепоеън, борлиқ олам, юлдузли осмон қадар бепоеън.

Навоий шеърятининг қудрати, беқиёслиги яна шундаки, шоир бу янглиг юксак, осмоний туйғулар ифодаси учун гоҳи оддий, заминий қундалик турмуш лавҳаларидан фойдаланади.

Заиф одамнинг деворга таяниб юриши жуда ҳаётий манзара. «Ҳажр бепоеън йўли» каби теран фалсафий тушунчадан кейин бундай оддий халқона сўзларнинг қўйилиши ўша замоннинг юксак шеърятини учун ғайритабиий туюлган бўлса, ажаб эмас. Лекин бу шеърый жумланинг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигига, энг муҳими, гўзаллигига ўшанда ҳам, кейин ҳам барча тан берган.

Телба кўнглимнинг қушидин қону юздин заъфарон
Қилсалар дафъи жунуним басдур тумморга.

Навоий байтларини англаш учун у яшаган замон турмушини ҳам яхши билмоқ керак. Баъзан улуг шоир байтлари бизга ўша узоқ замоннинг урф-одатларини ўрганишга ёрдам беради. Маълумки, қадимда дафъи

жунун учун, яъни телбаликни қайтариш учун беморга тумор битилган. Бу туморга заъфарон тугиб, сувда эзиб ичирилган. Заъфароннинг бу хил дардга даво бўлиши қадимги табобатдан аён. Дафъи савдо учун қон чиқариш одати ҳам маълум. Туморга ёзиладиган дуо сўзининг сиёҳи ҳам қора рангда — савдойининг қони рангида. Байт маъноси шундай: агар жунуним дафъи учун тумор қилсалар, қон чиқарсалар, телба кўнглим қушининг қонию юзимнинг заъфарони басдур.

Ишқ пайдоёву ниҳон ўлтурди, лекин йўқтурур

Заҳра бу ҳолимни ҳам ихфога, ҳам изҳорга.

Яъни: ишқ мени ҳам ошкор ўлдирди, ҳам пинҳон. Лекин менда бу ҳолимни яширмоққа ҳам, изҳор этмоққа ҳам журъат йўқ. Ишқ шундай бедаво дардқи, уни яширмоққа чора, ошкор этмоққа илож йўқ. Заҳра саффо, ўт маъносини ҳам, шахдамлик, мардлик туйғусини, яъни юрак ўтини ҳам англади. Бу ўринда заҳра журъат маъносида келган.

Зулфида мен фонию тасбиҳ ила мағрур шайх,

Субҳа торин бас не янглиғ ўхшатай зуннорга.

Зуннор номуслмонлик белгиси бўл-

руқлар расмийлаштирган. Оқибатда унинг номига 2021-2024 йиллар давомида жами 68 миллион 217 минг 900 сўм иш ҳақи ва бошқа тўловлар ажратилган. Иш ҳақи тўлаш тўғрисидаги табелларга сохта имзолар қўйиб, мажбурий ушланмалардан ташқари, жами 59 миллион 349 минг 600 сўм — анча миқдордаги бюджет маблағларини талон-торож қилган.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг “ҳеч ким сўрамайди, ҳеч ким билмайди” деган хомхаёлда содир этган жиноий қилмиши ошкор бўлмасдан қолмади. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, шунингдек, Пайариқ тумани прокуратурасининг 2024 йил 19 июндаги “Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида”ги қарорига асосан ўтказилган ўрганишларда барчаси кундай равшан тортди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Худойназарованинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “г” банд билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, жиноятни такроран содир қилган деб, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “б” банди ҳамда 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган, деган ҳулосага келди.

Иш ҳолатларига кўра, суд қайд этилган асослар ва қонун талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ф.Худойназарова жиноятларни такроран эмас, балки давомли тарзда содир қилган деб ҳисоблади. Уни Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “г” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, қилмишига яраша қонуний ва адолатли жазо тайинлади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, бир ярим йил муддатга уни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Судланувчи томонидан ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинган зарарлар тўлиқ қопланганлиги инobatта олинди. Жиноят оқибатида келтирилган зарарни қоплаш мақсадида судланувчилар ва жиноят ишининг уларга тегишли қисми тугатилган бошқа шахслар томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 60 миллион 295 минг 800 сўм маблағ давлат бюджетига ҳисобига ўтказилди.

Ҳулоса қилиб айтганда, бу каби шахслар ушбу қилмишдан ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб олишлари шарт. Зеро, жиноий қилмиш ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Эгамберди ОЛМОСОВ,
жиноят ишлари бўйича
Пайариқ тумани суди раиси
Абдуҳамид
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч — адолатда” муҳбири



◀ (Бошланиши 3-бетда)

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатган “сахийлиги”дан С.Боймуродова ҳам четда қолмаган.

Ушбу қонуннинг 14-моддасида “Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг тарбия ўқитувчиси ёрдамчиси, ўт ёқувчи вазифаларида умуман ишламаган бўлса-да, унга 6 миллион 214 минг 800 сўм маблағ иш ҳақи сифатида тўлаб берилган. Давлат ҳисобидан “ҳотамтойлиги” ортидан Ф.Худойназарова ўзига ишониб топширилган, ихтиёрида бўлган жами 10 миллион 683 минг 800 сўмини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш оқибати кун келиб ошкор бўлишини ҳаёлига келтирмаган Ф.Худойназарова амалдаги қонун талабларидан четга чиққан ҳолда ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттирган.

Буни “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этилмагани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу қонуннинг 14-моддасида “Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг тарбия ўқитувчиси ёрдамчиси, ўт ёқувчи вазифаларида умуман ишламаган бўлса-да, унга 6 миллион 214 минг 800 сўм маблағ иш ҳақи сифатида тўлаб берилган. Давлат ҳисобидан “ҳотамтойлиги” ортидан Ф.Худойназарова ўзига ишониб топширилган, ихтиёрида бўлган жами 10 миллион 683 минг 800 сўмини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Бирок Ф.Худойназарова ҳали меҳнат шартномаси тузмай туриб, К.Бойматованинг тарбиячи вазифасига ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқни расмийлаштирган. Кейинроқ, 2022 йил 1 март санасида уни қоровул вазифасига ўтказиш ҳақидаги сохта буйруқни имзолаган. К.Бойматованинг ушбу буйруқлар билан танишганлиги тўғрисидаги ёзувларни ҳам сохталаштирган. Энг ажабланилиги, Ф.Худойназарова уни ишлаганлиги тўғрисида иш ҳақи табелларига қалбаки

ёзувлар киритган ва бухгалтерияга тақдим этган. У бу сохтакорлик ортидан К.Бойматовга 2021-2023 йиллар давомида жами 21 миллион 73 минг 400 сўм иш ҳақи ва бошқа тўловлар ажратилишига эришган. Оқибатда мажбурий ушланмалардан ташқари, жами 18 миллион 333 минг 900 сўм миқдорда бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, Ф.Худойназарованинг қонун талабларини қўпол тарзда бузгани Р.Келдибекова билан бўлган сохта меҳнат муносабатларида ҳам кўзга ташланади. Ташкилот раҳбари Р. Келдибекова билан амалда бирор-бир шаклда меҳнат шартномаси тузмасдан туриб, буйруқлар қилиб қўйишнинг ўрнига вазифасига ишга қабул қилинганлиги ҳақида 2021 йил 6 сентябрда, сўнг тарбиячи вазифасига ўтказиш ҳақида 2022 йил 1 июнда сохта буй-

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛБАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМатов
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6541
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20³⁰. Топширилди: 21²⁰.